

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА [REDACTED] ВИЛОЯТ СУДИ  
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ**

2020-йил сентябрь ойининг 7-куни, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] вилоят суди кассация инстанциясининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик қилувчи, вилоят суди раиси ўринбосари [REDACTED] хайъат судьялари [REDACTED] лардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] нинг котиблигида, тарафлардан [REDACTED] вилояти прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED] нинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 12.08.2020-йилги ажрими устидан маҳкум [REDACTED] нинг кассация тартибида келтирилган шикоятини материалдаги ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И**

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 2020-йил 12-августдаги ажримиға мувофиқ:

[REDACTED] Орзиков, Элмурод, Ўзбек угли (Orziboyev, Elmurod, O'zbek) 10.10.1999-йилда [REDACTED] вилоятининг [REDACTED] туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, ишламаган, илгари 19.10.2018-йилги [REDACTED] туман судининг ҳукмиға кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖК нинг 57-моддаси қўлланиб, 4 йил озодликни чеклаш жазосига судланган, [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳарчаси, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 1-уйда рўйхатда туриб, [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳарчаси, [REDACTED] МФЙ даги рақамсиз уйда яшаган,

[REDACTED] тумани ИИО Пробация гуруҳининг тақдимномаси қаноатлантирилиб, маҳкум [REDACTED] нинг ўталмаган озодликни чеклаш жазосининг 2 йил 3 ой 2 кун шун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

[REDACTED] ни суд залидан қамоққа олиш, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ, жазони ўташ муддатини 12.08.2020-йилдан бошлаб ҳисоблаш белгиланган.

Материалда тўпланган ҳужжатлардан кўринишича ва судда текширилган ҳолатларга қараганда, маҳкум [REDACTED] нинг [REDACTED] тумани ИИО Пробация гуруҳи томонидан 14.11.2018-йилда рўйхатга олингани, [REDACTED] га жазони ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилиб, ундан тушунтириш хати олингани, бундан ташқари, маҳкум билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, зиммасига юклатилган сутканинг кечки соат 22 дан эрталабки соат 06 га қадар яшаш жойидан ва [REDACTED] тумани худудидан чиқмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартмаслик, муайян тоифадаги, яъни илгари



судланган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик, спиртли ичимликлар сотиладиган чойхона, кафе бар, умумий овқатланиш жойларида бўлмаслик, алкоғолли ичимликларни истеъмол қилмаслик каби қўшимча тақиқ (чеклаш) ларнинг ўрнатилгани унга тушунтирилгани, шунингдек, маҳкумга жазони ўташ даврида суд томонидан ўрнатилган тақиқ (чеклаш) ларни бузган тақдирда озодликни чеклаш жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилгани, лекин шунга қарамасдан маҳкум ўрнатилган тартибни бузиб, 17.09.2019-йил кеч соат 22.00 да, 21.09.2019-йил кеч соат 22.50 да, 08.10.2019-йил кеч соат 23.45 да, 08.08.2020-йил кеч соат 23.15 да [REDACTED] тумани, [REDACTED] шаҳарчаси, [REDACTED] МФЙ даги яшаш хонадони текширилганида уйда бўлмагани сабабли бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилгани, маҳкум расман огоҳлантирилиб, ундан тушунтириш хати олингани, маҳкум ўзига нисбатан қўлланилган тақиқни бажармай, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузиб келаётгани аниқланган.

Маҳкум [REDACTED]нинг шикоятда, важларига эътибор берилмагани кабилар кўрсатилиб, ўзига нисбатан аввал қўлланилган жазони ўташ тартиби, яъни манзил колония турини аслича қолдиришлик сўралган.

Судлов ҳайъати, вилоят суди судьяси [REDACTED]нинг маърузасини, прокурор [REDACTED]нинг суд ажримини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини тинглаб, шикоятдаги важларни, материалдаги ҳужжатлар билан бирга текшириб ва муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ажримини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 44<sup>4</sup>-моддасида, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари маҳкум томонидан бузилганлиги учун жазоларни ижро этиш инспекцияси унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллаши, маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томондан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга маҳкум учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритиши, Жиноят кодекси 48<sup>1</sup>-моддасининг б-қисмида, маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги, жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги кўрсатилган.

[REDACTED]га оид материални кўрган биринчи инстанция суди, юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, [REDACTED] тумани ИИО пробация гуруҳи катта инспектори [REDACTED] ва маҳкумнинг баёноتلарини, тарафларнинг фикрини тинглаб, тақдимнома важларини муҳокама қилиб, материалдаги ҳужжатлар ҳамда маҳкумнинг шахсини таҳлил қилиб ҳамда унинг важларини текшири, ИИО пробация гуруҳининг маҳкум [REDACTED]ни ўталмай қолган озодликни чеклаш жазоси муддатини шу муддатга озодликдан



маҳрум қилиш жазосига алмаштириш ҳақидаги тақдимномасини қаноатлантириш ва ўталмай қолган 2 йил 3 ой 2 кун озодликни чеклаш жазоси муддатини шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш ҳақида асосли хулосага келгани кўринади.

Шуларга кўра, судлов ҳайъати суд ажримини асосли деб ҳисоблаб, уни ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Бинобарин, кассация инстанцияси судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 490, 496, 506, 506<sup>1</sup>, 509-моддаларига риоя қилиб,

### А Ж Р И М Қ И Л А Д И

\_\_\_\_\_ га  
нисбатан чиқарилган жиноят ишлари \_\_\_\_\_ туман судининг 2020-йил  
12-августдаги ажрими ўзгаришсиз, шикоят эса қаноатлантирилмасдан  
қолдирилсин.

**Раислик қилувчи:**

\_\_\_\_\_

**Ҳайъат судьялари:**

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

